

DEVELOPMENT OF SCIENCE AND SYSTEM OF VALUES

Abstract: This article discusses the role of scientific values in the system of spiritual reforms implemented in New Uzbekistan.

Keywords: New Uzbekistan, values, science, spiritual reforms, society, spiritual wealth, civic duty, humanitarianism, artistic-aesthetic values, democratic values, spiritual values, moral, religious, artistic-aesthetic, political, legal values

ИЛМ-ФАН РИВОЖИ ВА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ*Ботир Узоков**Жиззах политехника институти**“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти*

Аннотация: Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий ислохотлар тизимида илмий қадриятларнинг тутган ўрни ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, қадриятлар, илм-фан, маънавий ислохотлар, жамият, маънавий бойликлар, фуқаролик бурчи, инсонпарварлик, бадий-эстетик қадриятлар, демократик қадриятлар, маънавий қадриятлар, ахлоқий, диний, бадий-эстетик, сиёсий, ҳуқуқий қадриятлар

Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб, ўзининг маънавий ва маърифий қарашларини миллий қадриятлари асосида шакллантириб боради. Бунда, албатта, илм-фаннинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий ислохотлар тизимида илмий қадриятлар алоҳида ўрин тутди. Бу жараённинг моҳиятини чуқурроқ тасаввур қилишда мақсади инсонни, жамиятни, моддий, маънавий бойликларни авайлаб-асраш ва ривожлантиришга қаратилган таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг роли ниҳоятда каттадир. Таълимнинг вазифаси фуқаролик бурчлари, мустақиллик ғоялари, демократик қадриятларга садоқатли эркин ва мустақил фикрлайдиган шахсни вояга етказишдан иборатдир. Таълимни янгича тушуниш, шахс қадриятини унинг эркинлиги билан уйғунлаштириш, таълимни инсонпарварлаштириш ва гуманитарлаш каби тамойиллар асосида шахснинг интеллектуал маданиятини таркиб топтириш мумкин. Бунинг натижаси

ўларок, инсонпарварлик тамойилларига асосланган таълимнинг янги кадриятлари юзага келади. Бинобарин, таълимни гуманитарлаштириш инсонларни бу дунёда ўзларини англашнинг таъминлайди, таълимни инсонпарварлаштиришнинг асосий мақсади эса гуманистик дунёқарашни, тегишли билим ва кўникмаларни таркиб топтиришга олиб келади. Буюк немис файласуфи И.Кант билим, фикр ва эътиқод тушунчаларини бир-биридан фарқлаш аънасини фаол қўллаб-қувватлаган ва биринчи бўлиб билим ва кадрият тушунчаларини бир-биридан фарқлаш зарурлигини кўрсатган эди. Билим ва кадриятни бир-биридан фарқлаш кадриятни илмий асосда ўрганишни ва билимни, фанни кадрият сифатида англашни истисно этмайди, балки тақозо этади.

Мустақиллик йилларида ижтимоий-гуманитар фанларимизда ва жонли тилда диний кадрият, бадий-эстетик кадриятлар, демократик кадриятлар мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади. Маънавий кадриятларнинг муҳим элементлари бўлган ахлоқий, диний, бадий-эстетик, сиёсий, ҳуқуқий ва шу каби кадриятлар моҳиятини илмий асосда тадқиқ этиш борасида талайгина ютуқларга эришилди.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидлангани каби, “Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик аъналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз. Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад - “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат”[1].

Жаҳон илм-фани тарихида чуқур из қолдирган улуғ аждодларимиз ўзларининг ўлмас асарларида илм-фаннинг аҳамияти, хосияти, куч-қудрати ҳақида қимматли ғояларни илгари сурганлар. XI асрда яшаб ижод қилган буюк ватандошимиз Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билик” (“Саодатга элтувчи билим”), Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк”, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Бедил сингари ўнлаб ва юзлаб мутафаккирларнинг илмий-фалсафий асарларида инсон бахт-саодати, фаровонлиги фақат илм шарофатидан, барча бахтсизлик ва кулфатлар илмсизлик, жаҳолат туфайли эканлигини далиллар билан исботлашга ҳаракат қилганлар.

Марказий Осиёдан етишиб чиққан улуғ маърифатпарварлар (Алишер Навоий, Паҳлавон Маҳмуд, Муқимий, Фурқат, Анбар Отин, Аваз Ўтар, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода ва бошқалар) диннинг жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамиятини инкор этмаган ҳолда дунёвий илм-фаннинг яшаш ва ривожланиш

хукукани ҳимоя қилдилар: фақат дунёвий илм-фангина ўлкани қолоқлик ва қашшоқликдан, маҳдудлик ва жаҳолатдан халос қилиши мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилдилар.

Миллий мустақиллик туфайлигина халқимиз биринчи марта ўзининг бой маънавий кадриятларидан баҳраманд бўлиш, илм-фанни кадрият сифатида англаш, жаҳон илм-фани раўнақига муносиб ҳисса қўшган улуғ алломаларни эъзозлаш, кадрлаш имконига эга бўлди.

Янги Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар халқимиз маънавий салоҳиятини юксалтиришга, илм-фанни раўнақ топтиришга қаратилгандир. Илмий кадриятларнинг маънавий кадриятлар тизимида тутган ўрни ва ролини белгилашдан олдин унинг туб моҳияти, таркиби ва функциялари ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. Аввало, илмий кадриятларнинг нисбий эканлигини таъкидлаш жоиздир. Илм-фан жамиятнинг барча аъзолари учун эмас, балки жамиятнинг энг юқори – элитар қатлами (зиёлилар, тадбиркорлар, мансабдор шахслар) томонидангина кадрият сифатида анланади. Айни вақтда илм-фанга ўзининг бутун онгли ҳаётини бағишлаган зиёлилар учун илмий кадриятлар олий кадрият, ҳаётнинг маъноси, ўзликни намоён этиш воситаси сифатида анланади.

Илм-фанни кадрият сифатида анлайдиган ва унга ўзини бағишлаган кишилар илм-фанга осонгина ҳаёт кечирини, фаровон ва тўқ яшаш воситаси деб қарамайдилар. Балки аксинча: ўзларининг ғоят машаққатли ва чеки-чегараси кўринмайдиган уқубатли меҳнатга гирифтор қиладилар, бироқ илм заҳматларидан, эришган ҳар бир янгиликдан ҳаловат ва хузур топадилар. Туғма интеллектуал қобилиятга эга бўлган ёшлар мамлакатимизнинг бебаҳо бойлигидир¹.

Илмий кадриятлар – кишилардаги интеллектуал-маънавий қобилият ва истеъдодни рўёбга чиқариш, аждодларимиз илмий меросини чуқур ўрганиш, воқеликни тадқиқ этиш орқали янгилик ва кашфиётлар яратишга имкон берадиган ғоялар, асарлар, ўқув ва илмий муассасалар, олимлар жамоаси, илм аҳллари мажмуасидир. Илмий кадриятлар кенг камровли фалсафий тушунчадир. Бу тушунча фандаги ворисийлик, анъанавийлик, новаторликни ўзида диалектик тарзда уйғунлаштиради. Илмий кадриятлар таркибига энг аввало инсоният тарихида чуқур из қолдирган барча алломаларнинг ўлмас асарларини киритиш мумкин. Ҳар бир соҳадаги олим фан тарихини чуқур билмай, улуғ олимларнинг илмий назарияси ва илмий билиш методларига таянмай туриб, янгилик ярата олмайди. Бироқ, табиатан танқидий фикрлашга одатланган олим илмий меросни сарагини саракка, пучини – пучга ажрата олсагина, илмий билишнинг янги усулларини қўлай олсагина бирон бир муваффақиятга эришиши мумкин.

¹ Ғайбуллаев О. Ёшлар онгига истиқлол ғоясини сингдиришнинг ижтимоий моҳияти ҳақида.//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.– 2005. – № 12. – Б.80.

Илм-фанни қадрият сифатида англаш таълим-тарбия ва илмий муассасаларга муқаддас даргоҳ сифатида қарашни, уни қадрлашни, авайлаб асрашни тақозо этади. Европада узок тарихга эга бўлган таълим муассасалари, университетлар, илмий лабораторияларнинг зиёратгоҳга айланганлиги европаликларнинг маънавий салоҳияти, қадриятли онги қай даражада ривожланганлигидан гувоҳлик беради. Илмий тадқиқот институтлари – илмий қадриятларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, бундай табаррук масканларда олимлар илмий кашфиётлар қиладилар. Ниҳоят, илмий қадриятларнинг субъекти ҳам, объекти ҳам заҳматқаш олимлардир. Бутун жамият аъзоларининг илм-фанга бўлган муносабатлари олимларга бўлган муносабатда яққол кўзга ташланади.

Олим ҳақида ғамхўрлик қилиш, фанга ҳомийлик қилиш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш демократик ва тараққийпарвар давлатнинг бош вазифасидир. Миллий мустақиллик йилларида ҳукуматимизнинг илм-фан аҳллари ижтимоий ҳимоялаш, фан тараққиёти учун кенг имкониятлар яратиш борасида амалга ошираётган тадбирлари ҳақида кўп ва хўп ёзиш мумкин. Бироқ, илм-фан, таълим-тарбия соҳасида тўпланиб қолган муаммолар олимлар ҳақида давлат томонидан қилинаётган ғамхўрликларнинг ўзи етарли эмаслигини, илм-фанни ривожлантириш, янги илмий кашфиётларни рағбатлантириш учун нодавлат ташкилотлар, кўнгилли уюшмалар, турли жамғармалар фаолиятини кучайтиришни тақозо этапти. Илмий қадриятлар комил инсон шахсини шакллантиришнинг муҳим олмили бўлиб, айниқса, таълим жараёнида кишиларда ижобий ахлоқий сифат ва фазилатлар шаклланади.

Таълим инсон табиатини тузатади ва уни яхшилади. Афлотун ўз замондошлари хулқ-атвори ёмон эканлигини кўриб барча ижтимоий ишлардан воз кечган ва шундай деб ёзган эди: “Ватан билан муносабатда бўлишда худди ота-оналарга бўлган каби муносабатда бўлиш керак, яъни унга зулм ўтказиш эмас, балки уни кўндириш, уни ҳақорат қилиш эмас, балки илтимос қилиш лозим”. Олимлар ўз манфаатлари ва хавфсизликларини ватан манфаатлари ва шарафи йўлида қурбон қиладилар. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки фан инсон ақлининг мустаҳкам эмаслигини, бахтнинг беқарорлиги ва ўзгарувчанлигини, руҳ афзаллиги ва ўз мажбуриятлари ахамиятини ҳаққоний тушуниш билан қуроллантиради. Шунинг учун ҳам улар “ман ўзимга нима фойда келтирдим” деган принцип билан эмас, балки “мен сенга қандай фойда келтирдим” деган принципга амал қилиб яшайдилар.

Таълим инсон табиатини улуғвор қилади. Илмли кишилар салобатли ва сирли бўлиб кўринадилар. Албатта, бундай муҳташам қононалар уни яратган кишилардан узокроқ яшаши мумкин. Бироқ абадий эмасдир. Ахир, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Бобур асарлари неча асрлардан бери яшайпти-ку! Бу давр ичида қанча саройлар, тож – тахтлар, ибодатхоналар, қасрлар йўқ бўлиб кетмади. Буюк даҳоларнинг ғоялари китобларда абадий

яшайди, улар вақт синовларига сабот билан бардош беради. Улар мангу янгилашни кудратига эгадирлар. Бунинг боиси шундаки, илмий кадриятлар умуминсоний ахлоқий кадриятлар (ҳалоллик, ростгўйлик) билан боғлиқдир. Самарали илмий – ижодий фаолиятни ахлоқий кадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Фақат фан учунгина хос бўлган кадриятлар ичида илмий ҳақиқатни излаш, уни ҳимоя қилиш алоҳида ўрин тутади. Аристотелнинг шу хусусдаги “Платон менинг дўстим, бироқ ундан ҳам ҳақиқат қадрлироқ” ибораси машҳурдир. Бунинг маъноси шундаки, олим ҳақиқатга интилар экан, ўзининг субъектив майл-истакларидан юқори туриши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Рўзиев, А. (2020). АМИР ТЕМУР ҚАРАШЛАРИДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҒОЯЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ. Научно-просветительский журнал "Наставник".
2. Kulmatov, P. M., & Tajibaev, M. A. (2022). SYNERGETIC AAS A FACTOR FOR THE DEVELOPMENT OF MODERN SCIENCE. *Scientific progress*, 3(3), 925-929.
3. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). SYNERGETIC METHODOLOGY SERVES HUMANITY. *Scientific progress*, 3(3), 934-937.
4. Abdurashidovich, T. M. (2022). YOSHLARDA SINERGETIK DUNYOQARASHNI SHAKLLANTIRISH OMILLARI. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. *SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(3), 203-207.
5. Abdurashidovich, T. M. (2022). SINERGETIKA-YOSHLARNING YANGI DUNYOQARASHINI SHAKLLANTIRUVCHI BILIM SIFATIDA. *FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA*, 1(2), 69-73.
6. Azimova, S. Y., & Tojiboev, M. A. (2021). IMPROVEMENT OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK IT IS OUR IMPORTANT TASK. *Scientific progress*, 2(5), 544-548.
7. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. *INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION*, 2(2), 133-136.
8. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.
9. Ibodullaevich, K. K., & Mahmatkobil, O. (2022). “Electronic System”-Estonia Is Among the Leaders in The Fight Against Corruption. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 152-155.
10. Ibodullaevich, K. K. (2022, April). In the fight against justice and corruption as an effective road. In *E Conference Zone* (pp. 370-372).